

**ЁНҒОҚ ЕТИШТИРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ  
БАҲОЛАШНИНГ УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ**

**Рахмонова Барно Сохибжоновна, Исламова Дилобар Таиржановна-**  
Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти Қишлоқ хўжалиги  
иқтисодиёти кафедраси катта ўқитувчиси.

**ЭКОНОМИЧЕСКАЯ ЭФФЕКТИВНОСТЬ ВЫРАЩИВАНИЯ АРАХИСА  
МЕТОДОЛОГИЧЕСКАЯ ОСНОВА ОЦЕНКИ**

Рахмонова Барно Сохибжоновна, Исламова Дилобар Таиржановна – старший  
преподаватель кафедры экономики сельского хозяйства Андijanского  
института сельского хозяйства и агротехнологий.

**ECONOMIC EFFICIENCY OF GROWING PEANUTS  
METHODOLOGICAL FRAMEWORK FOR ASSESSMENT**

Rakhmonova Barno Sohibjonovna, Islamova Dilobar Tairjanovna –  
Senior Lecturer, Department of Agricultural Economics, Andijan Institute of  
Agriculture and Agrotechnologies.

**АННОТАЦИЯ** Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган аграр ислохотлар маҳсулот ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантириш билан биргаликда, маҳсулотларнинг иқтисодий самарадорлигини ривожлантириш, аввал эътибордан четда қолган, аммо ҳозирда дунё бозорида талаб ортиб бораётган соҳаларни кенгайтиришни ҳам кўзда тутмоқда.

Жаҳон бозорида талаб юқори бўлган ёнғоқнинг аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда, республикамизнинг лалми ерларидан фойдаланишни рағбатлантириш ва самарадорлигини янада ошириш, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош бўлган ёнғоқ ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришда замонавий ёнғоқ плантацияларини барпо қилиш ҳамда ёнғоқ етиштириш бўйича илмий асосланган усуллар ва интенсив технологияларни кенг жорий этиш замон талабларидан бири бўлиб қолмоқда. Мақолада ёнғоқ етиштиришнинг бугунги босқичи хусусиятларидан келиб чиқиб, унинг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш услубиётининг муҳим кўрсаткичлари бўйича тадқиқотлар натижалари баён этилган.

**АННОТАЦИЯ** Аграрные реформы, проводимые в аграрном секторе Узбекистана, наряду с развитием производственных отраслей, предусматривают также развитие экономической эффективности продукции и расширение сфер, ранее игнорировавшихся, но в настоящее время пользующихся все большим спросом на мировом рынке. .

Принимая во внимание важность ореха грецкого, пользующегося высоким спросом на мировом рынке, поощрять и повышать эффективность использования засушливых земель нашей республики, строить современные плантации грецкого

ореха, увеличивать объем производства грецкого ореха, конкурентоспособного на внутреннем и внешнем рынках, а широкое внедрение научно обоснованных методов и интенсивных технологий возделывания грецкого ореха остается одним из требований времени. В статье описаны результаты исследований по важным показателям метода расчета его экономической эффективности с учетом особенностей текущей стадии выращивания орехов.

**ABSTRACT.** Agrarian reforms carried out in the agrarian sector of Uzbekistan, along with the development of manufacturing industries, also provide for the development of the economic efficiency of manufactured products and the expansion of areas that were previously ignored, but are currently in increasing demand in the world market.

Taking into account the importance of the walnut, which is in high demand in the world market, to encourage and improve the efficiency of the use of arid lands of our republic, build modern walnut plantations, and increase the production of walnuts that are competitive in the world market. domestic and foreign markets, to widely introduce scientifically based methods and intensive technologies for the cultivation of walnut remains one of the requirements of the time. The article describes the results of a study of important indicators of the method for calculating its economic efficiency, taking into account the characteristics of the current stage of walnut cultivation.

**Калит сўзлар:** ёнғоқ ишлаб чиқариш, самардорлик, 1 кг ёнғоқ меваси, интенсив, экстенсив.

**Ключевые слова:** производство орехов, эффективность, 1 кг плодов ореха, интенсив, экстенсив.

**Keywords:** production of nuts, efficiency, 1 kg of nuts, intensive, extensive.

**КИРИШ.** Дунё мамлакатларида тобора кўпайиб бораётган аҳолини сифатли ва юқори каллорияга эга тўйимли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш долзарб саналади. Бу йўналишда ёнғоқчилик соҳаси алоҳида ўрин тутди. Чунки, ёнғоқчилик соҳаси озиқ-овқат таъминоти, истеъмол ва аҳоли даромадларининг муҳим манбаи ҳисобланиб, дунё мамлакатларининг аҳолисини озиқ-овқат таъминотини яхшилаш воситаларидан бири сифатида катта аҳамиятга эгадир. Аммо, аксарият давлатларда экологик жараёнларнинг ёмонлашиши, йиллик ўртача ҳароратнинг кўтарилиши, ёнғоқчиликнинг йиллик ўртача даражасининг пасайиб, қурғоқчилик ҳолатлари кўпайиши каби омиллар ёнғоқ етиштириш, ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитларидан келиб чиққан ҳолда ёнғоқ турларини оптимал жойлаштириш ва ёнғоқ етиштириш ҳажмини оширишга, шунингдек, ёнғоқ мевасининг сифати пасайишига олиб келиши ҳамда касалланишига сабаб бўлмоқда.

Глобал иқлимни ўзгариши шароитида дунёнинг етакчи илмий-тадқиқот

марказлари ва муассасалари томонидан ёнғоқ етиштириш борасида кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан, ёнғоқнинг серхосил турларини ҳудудларнинг табиий-иқлим шароитларга мос ҳолда танлаб олиш ва кўпайтириш, ёнғоқ ва ёнғоқ маҳсулотларини сотиш тизимида замонавий маркетинг усулларини жорий этиш, соҳада инновацион фаолиятни ривожлантириш, илмий-тадқиқот ишларининг самарадорлигини ошириш, юқори сифатли маҳсулотни sanoat усулида етиштирилган танланган навлар кўчатларидан олиш, интенсив ёнғоқчиликнинг ташкил этиш ҳамда ишлаб чиқаришнинг техник ва технологик параметрлар бўйича платформалар яратиш каби илмий тадқиқот йўналишлари шулар жумласидандир.

Мамлакатимиз тоғли ҳудудларининг иқлим шароити ёнғоқ, бодом, pista каби дарахт кўчатларининг ўсиши ва юқори ҳосил бериши учун нисбатан қулай макон ҳисобланади. Шу боис, ёнғоқ етиштириш ва ушбу маҳсулотни қайта ишлаш тармоғини ривожлантиришга йўналтирилган кенг тармоқли таркибий ислоҳотлар амалга оширилди. Аммо “... соҳада айниқса, мева-сабзавотчиликни ривожлантиришда самарали бозор механизмлари тизимли йўлга қўйилмаганлиги, илмий ёндашувнинг етарли эмаслиги тармоқнинг мавжуд имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаслигига олиб келмоқда. Ҳисоб-китобларга кўра, 1 гектар майдонда етиштирилган пахта хом ашёсига нисбатан узумдан 7 баравар, гилосдан 6 баравар, ёнғоқдан 5 баравар кўп даромад олиш имконияти мавжуд”<sup>1</sup>. Шунингдек, республикада йиллик ёнғоқ истеъмоли бир кишига ўртача 1,8-2,4 кг<sup>2</sup> ни ташкил этгани ҳолда тиббий меъёрга нисбатан бу кўрсаткич 6,2 баробар-га кам. Шу боис, бугунги кунда интенсив ёнғоқчиликни ривожлантириш ҳамда тармоқ самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий жиҳатларини тадқиқ этиш асосида илмий-амалий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш долзарблик касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартдаги ПФ-5388-сон “Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантириш-нинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853-сон Фармонлари, 2017 йил 1 июндаги “Ёнғоқ ишлаб чиқарувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмасини тузиш ва унинг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги, 2018 йил 17 октябрдаги ПҚ-3978-сон “Мева-сабзавот маҳсулотларини ташқи бозорларга чиқариш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар

<sup>1</sup> Хасанов С. Ўзбекистонда мева-сабзавотчиликни ривожлантириш тенденциялари ва истиқболлари. // Ж.: Экономическое обозрение, 2020. - №6 (246). - 56-61-бет.

<sup>2</sup> Ахроров Ф., Avezov H. O‘zbekistonning yong‘oq ishlab chiqarish salohiyati va istiqbollari: Samarqand viloyati kesimida. Current issues of bio economics and digitalization in the sustainable development of regions. International scientific - practical conference. 764-769-бетлар.

тўғрисида”ги, 2019 йил 14 мартдаги ПҚ-4239-сон “Мева-сабзавотчилик соҳасида қишлоқ хўжалиги кооперацияси-ни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ.** Қишлоқ хўжалигида ёнғоқ ишлаб чиқаришни ривожлантириш, грек ёнғоғи ҳосилдорлигини ошириш ва тоғ олди минтақаларида боғдорчиликни ривожлантириш масалалари билан хорижлик агроиқтисодчи олимлардан Ҳ.Адем & Петер Ҳ.Жерие, Ларри Ҳарпер, Др. Виллиам Куртз, россиялик иқтисодчи олимлар Назранов Х.М., Чемазокова З.З., Салваридзе Л.Х., Наконечная О.А., Хашир А.А., М.Бахшинежад каби олимлар тадқиқотлар олиб боришган.

Республикамиз қишлоқ хўжалигида мева-сабзавотчилик соҳасини ривожлантириш, кооперация муносабатлари, интенсив боғдорчиликни иқтисодий асосларини такомиллаштиришга қаратилган илмий-назарий ечимлар Ў.Умурзаков, Н.Хушматов, О.Жумаев, Х.Хушвақтова, Ш.Муродов, С.Эшматов, О.Сатторов, Н.Ашурметова, О.Норбеков, Ф.Полвонов каби қатор аграр иқтисодчи олимларнинг илмий-тадқиқот ишларида ўз аксини топган.

**НАТИЖАЛАР.** Замонавий иқтисодиётда ташқи муҳитнинг ривожланиши унинг тез ўзгарувчан шароитлари билан тавсифланади, маҳсулотларнинг рақобатбардошлиги, чора-тадбирларнинг амалга оширилиши, ички ва ташқи бозорларда хизматлар кўрсатилиши корхонанинг умуман бозорда муваффақиятли ишлашини белгилайди. Иқтисодий самарадорлик категорияси орқали корхона хўжалик фаолиятининг энг муҳим хусусиятлари, яъни динамик ўзгарувчанлик, яхлитлик, рақобатбардошлик, кўп ўлчовлилик, бизнесни режалаштириш ва ҳоказолар ўз аксини топади.

Хўжалик юритувчи субъектларда амалга оширилаётган жараёнларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш концепцияси умумий характерда бўлиб, ҳар қандай шаклдаги ва фаолият йўналишидаги ташкилотларга нисбатан қўлланилади.

Иқтисодий самарадорлик корхонанинг комплекс тарзда хўжалик фаолияти натижаси ва унинг элементларини ўзаро таъсирини акс эттиради. Иқтисодий самарадорликни баҳолаш мезонлари-бу корхонада қўлланиладиган иқтисодий самарадорликни таъминлаш усуллари ва воситаларининг натижадорлигини баҳолаш имконини берувчи мутлақ, нисбий ва динамик самарадорлик кўрсаткичлари тизими ҳисобланади.

**МУҲОКАМА.** 1 кг ёнғоқ мевасини интенсив тарзда етиштириш учун зарур бўлган томчилатиб суғориш тизими жиҳозлари қиймати, 1 туп интенсив ёнғоқ

дарахтидан олинган ёнғоқ миқдори, 1 кг ёнғоқ етиштириш учун талаб этиладиган сув ҳажми, 1 туп ёнғоқ дарахтига ишлов бериш учун тўғри келадиган меҳнат сарфи, 1 туп ёнғоқ дарахтида етиштирилган ёнғоқнинг товарлилик даражаси, 1 туп ёнғоқ дарахтида ёнғоқ етиштиришнинг харажатлар рентабеллиги каби самарадорлик кўрсаткичлари интенсив ёнғоқчилик хўжаликларида ёнғоқ етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш ва таҳлил қилиш имконини беради (1.1-расм).



Изоҳ: пунктир чизиқли квадратлардаги кўрсаткичларни муаллиф тавсия қилмоқда.

### 1.1-расм. Интенсив ёнғоқчиликда ёнғоқ етиштириш иқтисодий самарадорлигини баҳоловчи кўрсаткичлар тизими<sup>3</sup>

Келтирилган иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлар тизими бўйича ҳар бир кўрсаткични алоҳида ҳисоблаш усуллари келтириб ўтамыз:

<sup>3</sup> Муаллифнинг илмий-тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

**Қиймат кўрсаткичлари:**

$$\ddot{E}E_T = ЖТ / ЯХ \text{ [сўм/кг]} \quad (1)$$

бу ерда,  $\ddot{E}E_T$  – 1 кг ёнғоқ етиштириш таннархи; ЖТ – жами таннарх, сўм; ЯХ – грек ёнғоғи ялпи ҳосили, кг.

$$\Phi_{га} = \Phi / \mathcal{E}_m \text{ [сўм/га]} \quad (2)$$

бу ерда,  $\Phi_{га}$  – 1 га экин майдонига тўғри келадиган фойда, сўм;  $\Phi$  – ялпи фойда, сўм;  $\mathcal{E}_m$  – ёнғоқ экилган экин майдони ҳажми, га.

$$СТТ = ЯМ * B_n \text{ [кг*сўм]} \quad (3)$$

бу ерда, СТТ – сотишдан тушган тушум, сўм; ЯМ – ялпи маҳсулот, кг;  $B_n$  – маҳсулотнинг бозор нархи, сўм.

$$C\Phi_{га} = C\Phi / \mathcal{E}_m \text{ [сўм/га]} \quad (4)$$

бу ерда,  $C\Phi_{га}$  – 1 га экин майдонидан олинган соф фойда, сўм;  $C\Phi$  – соф фойда, сўм;  $\mathcal{E}_m$  – ёнғоқ экилган экин майдони ҳажми, га.

$$ЖХ_{га} = ЖХ / \mathcal{E}_m \text{ [сўм/га]} \quad (5)$$

бу ерда,  $ЖХ_{га}$  – 1 га экин майдонига тўғри келадиган жами харажат, сўм; ЖХ – жами харажатлар, сўм;  $\mathcal{E}_m$  – ёнғоқ экилган экин майдони ҳажми, га.

$$ЯД_{га} = ЯД / \mathcal{E}_m \text{ [сўм/га]} \quad (6)$$

бу ерда,  $ЯД_{га}$  – 1 га экин майдонига тўғри келадиган ялпи даромад, сўм; ЯД – ялпи даромад, сўм;  $\mathcal{E}_m$  – ёнғоқ экилган экин майдони ҳажми, га.

Энди қиймат кўрсаткичларига тегишли тавсия этилаётган кўрсаткичларни ҳисоблаш усулларини ифодалаймиз:

**Ёнғоқ навининг (мевасининг) баҳоси бўйича бозоргирлик индекси (ББИ);**

$$ББИ = БЕН / СЕБ \quad (7)$$

Бу ерда, БЕН- бахоланаётган ёнғоқ мевасининг ўртача бозор баҳоси; СЕБ-стандарт ёнғоқ меваси ўртача баҳоси, (сўм/кг).

**Натурал кўрсаткичлар:**

$$X_{\epsilon} = ЯХ / \mathcal{E}_m \text{ [ц/га ёки т/га]} \quad (8)$$

бу ерда,  $X_{\epsilon}$  – ёнғоқ ҳосилдорлиги, ц/га; ЯХ – ялпи ҳосил, ц/га;  $\mathcal{E}_m$  – ёнғоқ экилган экин майдони ҳажми, га.

$$ЯХ = X_{\epsilon} * \mathcal{E}_m \text{ [ц/га ёки т/га]} \quad (9)$$

бу ерда, ЯХ – ялпи ҳосил, ц/га.

$$M_{Cга} = MХ / \mathcal{E}_m \text{ [киши/соат/га]} \quad (10)$$

бу ерда,  $M_{Cга}$  – 1 га майдон учун меҳнат сарфи (киши-соат ёки киши-кун/га).

$$MУ_{га} = МУ / \mathcal{E}_m \text{ [кг/га ёки тонна/га]} \quad (11)$$

бу ерда,  $MУ_{га}$  – 1 га экин майдонига тўғри келадиган минерал ўғит миқдори, кг/га; МУ – жами сарфланган минерал ўғит ҳажми (кг, ц, т).

$$OУ_{га} = OУ / \mathcal{E}_m \text{ [кг/га ёки тонна/га]} \quad (12)$$

бу ерда,  $OУ_{га}$  – 1 га экин майдонига тўғри келадиган органик (маҳаллий)

ўғит миқдори, кг/га; ОУ – жами сарфланган органик (маҳаллий) ўғит ҳажми (кг, ц, т).

$$K_{C_{га}} = ЖКС / Э_m \text{ [дона/га]} \quad (13)$$

бу ерда,  $K_{C_{га}}$  - 1 га майдондаги кўчатлар сони, дона; ЖКС – жами кўчатлар сони, дона.

Энди натурал кўрсаткичларига тегишли тавсия этилаётган кўрсаткичларни ҳисоблаш усулларини ифодалаймиз:

**ёнгоқ навининг (мевасининг) йириклиги бўйича бозоргирлик индекси (ЙБИ);**

$$ИБИ = БЕМ / 15,0 \quad (14)$$

Бу ерда, БЕМ- бахоланаётган ёнгоқ нави 1 дона меваси ўртача оғирлиги, гр/дона;

15,0-Чандлер ёнгоқ нави меваси ўртача оғирлиги, гр/дона

**Нисбий кўрсаткичлар:**

$$P_x = CФ / ЖХ * 100 \text{ [%]} \quad (15)$$

бу ерда,  $P_x$  – харажатлар рентабеллиги даражаси, %; СФ – соф фойда, сўм; ЖХ – жами харажатлар (маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари), сўм; СФ - бу фойда билан мажбурий тўловлар (солиқ тушумлари) ўртасидаги тафовут орқали аниқланади.

$$P_c = CФ / ЖСТ * 100 \text{ [%]} \quad (16)$$

бу ерда,  $P_c$  – сотиш рентабеллиги, %; ЖСТ – маҳсулот сотишдан олинган жами соф тушум, сўм.

$$Y_{ат} = X_{ат} / ЯХ * 100 \text{ [%]} \quad (17)$$

бу ерда,  $Y_{ат}$  - алоҳида ёнгоқ ҳосилининг ялпи ҳосилдаги улуши, % (ёки коэффициент бўлиши ҳам мумкин);  $X_{ат}$  – алоҳида ёнгоқ тури бўйича ҳосил, т, кг, ц.

$$I_{тд} = I_{хга} / I_{рга} * 100 \text{ [%]} \quad (18)$$

бу ерда,  $I_{тд}$  - 1 га экин майдонида ишчи кучи билан таъминланганлик даражаси, %;  $I_{хга}$  – 1 га майдонда ҳақиқатда ишлаётган ишчилар сони, бу кўрсаткич жами ҳақиқатда ишлаётган ишчилар сонини жами экин майдонига нисбати сифатида топилади;  $I_{рга}$  - режа бўйича 1 га майдонда ишлаши лозим бўлган ишчилар сони, бу кўрсаткич жами режадаги ишчилар сонини жами экин майдонига нисбати орқали аниқланади.

$$Y_{сх} = CХ / I_{тт} * 100 \text{ [%]} \quad (19)$$

бу ерда,  $Y_{сх}$  - жами ишлаб чиқариш тўлиқ таннархида сотиш харажатлари улуши, %;  $I_{тт}$  - ишлаб чиқариш тўлиқ таннархи, сўм; СХ – сотиш харажатлари, сўм.

Энди нисбий кўрсаткичларга тегишли тавсия этилаётган кўрсаткичларни ҳисоблаш усулларини ифодалаймиз:

**ёнгоқ навининг (мевасининг) рақобатбардошлик индекси (БРИ);**

$$\text{БРИ}=\text{БЕН}+\text{ИБИ}/2,0$$

(20)

*Бу ерда алоҳида ёнғоқ навларига ва маҳаллий навсиз ёнғоқларга, жаҳон бозори талаби асосида иқтисодий баҳо берилади.*

Умуман олганда, интенсиф боғларда ёнғоқ етиштириш ва сотишнинг иқтисодий самарадорлиги юқорида келтирилган кўрсаткичлар орқали аниқланиши ва таҳлил қилиниши ёнғоқ етиштириш ҳолатига биринчидан аниқ баҳо берилиши, ёнғоқ ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши ва ресурслардан самарали фойдаланишга ҳамда бизнес режаларни тузишда, лойиҳаларни самарадорлигини оширишда муҳим услубий асос бўлиб хизмат қилади.

**ХУЛОСА.** Табиий ёнғоқзорларни сақлаб қолиш, янги навлар ҳисобига бойитиш, бўш ётган адир ва тоғларда ёнғоқзорлар барпо қилиш, ҳосилдорлиги юқори, янги навлар яратиш, эски ёнғоқзорларни бойитиш ҳисобига халқимизни ёнғоқ маҳсулотларига бўлган талабларини қондириш, барча ёнғоқзорлардан илмий асосланган режалар асосида фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Ёнғоқчиликда даромаднинг қўшимча манбаларидан фойдаланиш орқали ишлаб чиқариш харажатлари камайишига эришилади.

Ёнғоқчилик соҳасининг самарадорлик кўрсаткичларини макро, мезо ва микродаражада тадқиқ этиш ёнғоқчилик соҳасини атрофлича таҳлил этишга хизмат қилади. Соҳадаги таркибий ўзгаришлар тенденциялари бўйича амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишда асос бўлади.

1 кг ёнғоқ мевасини интенсиф тарзда етиштириш учун зарур бўлган томчилатиб суғориш тизими жиҳозлари қиймати, 100 м<sup>2</sup> майдонга тўғри келадиган ўтказилган кўчатлар сони, 100 м<sup>2</sup> экин майдонидан олинган ёнғоқ миқдори, 1 кг ёнғоқ етиштириш учун талаб этиладиган сув ҳажми, 100 м<sup>2</sup> майдонга тўғри келадиган электр-энергия сарфи, 100 м<sup>2</sup> экин майдонида етиштирилган ёнғоқнинг товарлилик даражаси, 100 м<sup>2</sup> экин майдонида ёнғоқ етиштиришнинг харажатлар рентабеллиги каби самарадорлик кўрсаткичлари интенсиф ёнғоқчилик хўжаликларида ёнғоқ етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш ва таҳлил қилиш имконини беради.

Ёнғоқчиликни ривожлантириш бўйича хорижий тажрибаларнинг қуйидаги жиҳатларини республикада жорий этиш мақсадга мувофиқ. Жумладан,

➤ ёнғоқ етиштиришда ёнғоқ етиштириш харажатларининг бир қисмини қоплаш мақсадида субсидияларни жорий этиш; илмий-тадқиқотларни кучайтириш ва амалий ва инновацион лойиҳаларни бажариш, хорижий мутахассисларни кенг жалб этган ҳолда семинар-тренинглар ташкил этиш; малакали мутахассис кадрларни тайёрлаш ва тажрибасини ошириш учун хорижий университетлар ва марказларга стажировкаларга юборишни ташкил қилиш;



➤ соҳада консалтинг хизматини ташкил этиш ва онлайн платформа ҳамда мобил иловани яратиш; ҳосилдорлиги юқори ёнғоқ турларини кўпайтириш (масалан: “Чандлер” тури) ва интенсив ёнғоқчиликни ривожлантириш. Ушбу тадбирлар ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларга катта фойда келтиради ҳамда мамлакатимиз иқтисодиёти учун муҳим стратегик аҳамият касб этади.

### **FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI**

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 1 iyundagi “Yong‘oq ishlab chiqaruvchilar va eksport qiluvchilar uyushmasini tuzish va uning faoliyatini tashkil etish to‘g‘risida”gi Qarori. Xalq so‘zi 2017 yil 17 yanvar. <https://lex.uz/docs/3225162>. O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2017 y., 23-son, 452-modda; Qonun hujjatlari ma‘lumotlari milliy bazasi, 27.01.2021 y., 06/21/6146/0065-son.
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 17 oktyabrdagi “Meva-sabzavot mahsulotlarini tashqi bozorlarga chiqarish samaradorligini oshirishga doir qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi PK-3978-sonli Qarori. <https://lex.uz/docs/3897678>. Qonun hujjatlari ma‘lumotlari milliy bazasi, 18.10.2018 y., 07/18/3978/2067-son; 25.05.2019 y., 07/19/4337/3182-son; 28.09.2020 y., 06/20/6075/1330-son; Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi, 12.02.2022 y., 06/22/67/0128-son; 09.11.2022 y., 07/22/417/1004-son.
3. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 14 martdagi “Meva-sabzavotchilik sohasida qishloq xo‘jaligi kooperatsiyasini rivojlan-tirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PK-4239-Karori. <https://lex.uz/docs/4242004>. Qonun hujjatlari ma‘lumotlari milliy bazasi, 15.03.2019 y., 07/19/4239/2771-son.
4. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 11 dekabrdagi “Meva-sabzavotchilik va uzumchilik tarmog‘ini yanada rivojlantirish, sohada qo‘shilgan qiymat zanjirini yaratishga doir qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi PQ-4549 sonli qarori. <https://lex.uz/docs/4641164>. Qonun hujjatlari ma‘lumotlari milliy bazasi, 12.12.2019 y., 07/19/4549/4143-son; 07.05.2020 y., 07/20/4707/0545-son, 19.05.2020 y., 07/20/4716/0598-son, 07.10.2020 y., 07/20/4850/1358-son; *Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi*, 17.07.2021 y., 06/21/6263/0685-son, 16.12.2021 y., 06/21/34/1164-son; 01.04.2022 y., 06/22/95/0267-son, 10.06.2022 y., 06/22/150/0516-son.
5. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022 yil 31 martdagi “Oziq-ovqat xavfsizligi va ichki bozorda narxlar barqarorligini ta‘minlash bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi 147-sonli qarori. <https://lex.uz/uz/docs/5933102>. Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi, 01.04.2022 y., 09/22/147/0255-son.
6. B.S. Rakhmonova. Directions for increasing investment activity in the field of walnut growing and processing at the national and regional levels. Electronic journal of actual problems of modern science, education and training. July, 2022-7. ISSN 2181-9750. 24-29 bet <http://khorezmscience.uz/uz> (08.00.00. №22)
7. B.S. Rakhmonova. Ways of perspective development of walnut production in Andijan region. // Electronic journal of actual problems of modern science, education and training. December, 2020-vii. ISSN 2181-9750 23-31 bet

<http://khorezmscience.uz/uz> (08.00.00. №22)

8. B.S.Rakhmonova. Prospects for the development of walnut cultivation in Uzbekistan. //Journal "Sustainable agriculture" ISSN 2181-9408 №2(6) 2021. P. 24-27(08.00.00 №27)
9. Raxmonova B.S. Mamlakatimizda yong'och ishlab chiqarishning tarki-biy va miqdoriy o'zgarishlar tendensiyasi // Ta'lim tizimida ijtimoiy-gumanitar fanlar. ISSN2181-7286 №6, 2021 (08.00.00 №28)
10. Raxmonova B.S Znachimost orexovыx plantatsiy na mirovom rынке. //Agrarnaya nauka ISSN 0869-8155, №5, 2019 ([www. agrovetpress@inbox.ru](http://www.agrovetpress@inbox.ru). Agris (7) Srossref (35 ))
11. B.S.Rakhmonova. Prospects for the Development of Walnut Clusters in a Digital Economy in Uzbekistan. European Journal of Business Startups and Open Society. Vol. 2 No. 3 (2022). P. 20-24. EJBSOS ISSN: 2795-9228. (Scientific Journal Impact Factor(23); Srossref (35 ))
12. B.S. Rakhmonova. The situation with Walnut Production in Andijan Province, efficiency, and problems. // International journal of discourse on innovation, integration and education. Volume: 02 Issue: 02 | February 2021 ISSN: 2181-1067 Page 379-386 (Scientific Journal Impact Factor(23); Srossref (35 ))
13. B.S.Raxmonova. Ekonomicheskaya effektivnost sozdaniya fistashko-вых plantatsiy v Uzbekistane. //Agrarnaya nauka XXI veka. Aktualnye issledovaniya i perspektivy. Nauchnye trudy III mejdunarodnoy nauchno-prakticheskoy konferensii. Kazan 2019.17.10 ISBN 978-5-905201-92-9 str 428-430
14. B.S. Rakhmonova. The trend of structural and quantitative changes in the production of nuts in Uzbekistan. //“Development issues of innovative economy in the agricultural sector” International scientific-practical conference on March 25-26, 2021. Samarkand. Page 110-113. Web: [http://conference. sbtsue. Uz/uz](http://conference.sbt.sue.Uz/uz)
15. BSangirova U.R, Khafizova Z.K., Kurbanova D.B., Rakhmonova, B.S., Kadirkhodjaeva F.B. A special place of walnuts in the world market (for example, Uzbekistan). Journal of Xi'an University of Architecture & Technology. Volume XII, Issue II, 2020. P. 2789-2796. ISSN No : 1006-7930. DOI: 20.19001.JAT.2020.XII.I2.20.2090
16. Nosirov B., Rakhmonova B. Organization of production of walnuts in an industrial volumes. International online conference ECLSS Economics and Social sciences. Proceeding book. June 28-29, 2020. Istanbul, Turkey. P. 59-67. <http://eclss.org/publicationsfordoi/istanbulonline.pdf>